



TECHNOLOGIES FOR UTILIZING THE MASS COMMUNICATION CAPABILITIES OF THE NEW RENAISSANCE YOUTH

Nigora Ochilova

Associate Professor

University of Economics and Pedagogy

Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: legal and political culture of youth, education of harmoniously developed generation, strengthening information and library activities, library funds of information and resource centers of educational institutions, libraries

Received: 02.03.25

Accepted: 04.03.25

Published: 06.03.25

Abstract: Today such ideas as the formation of a free and prosperous, humane and just state and a strong civil society are supported by all strata of our society. The implementation of large-scale tasks to implement the idea of "Yuksalish" is an important condition for the sustainable development of our country and contributes to the strengthening of interethnic and interfaith harmony between representatives of different nations and nationalities, religions and confessions, state and public organizations, parties operating on the same political platform. It is important to strengthen mutual respect and harmony.

ЯНГИ РЕНЕСАНС ЁШЛАРИНИНГ ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Нигора Очилова

доцент

Иқтисодиёт ва педагогика университети

Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ёшларнинг хукуқий ва сиёсий маданияти, баркамол авлодни тарбиялаш, ахборот-кутубхона фаолиятини кучайтириш, таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондлари, кутубхоналар

Аннотация: Бугунги кунда эркин ва фаровон, инсонпарвар ва адолатли давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш каби ғоялар жамиятимизнинг барча катламлари томонидан қўллаб-кувватланмоқда. "Юксалиш" ғоясини амалга татбиқ этиш борасидаги кенг кўламли вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимиз баркарор

тараққиётининг муҳим шарти бўлиб, юртимизда бир осмон остида яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатлар, динлар ва конфессияларга мансуб кишилар, давлат ва жамоат ташкилотлари, бир сиёсий майдонда ҳаракат қилаётган партиялар вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга муҳим аҳамият касб этади.

ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАССОВЫХ КОММУНИКАЦИОННЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ МОЛОДЕЖИ НОВОГО РЕНЕССАНСА

Нигора Очилова

доцент

Университет экономики и педагогики

Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: правовая и политическая культура молодежи, воспитание гармонично развитого поколения, усиление информационно-библиотечной деятельности, библиотечные фонды информационно-ресурсных центров образовательных учреждений, библиотеки

Аннотация: Сегодня такие идеи, как формирование свободного и процветающего, гуманного и справедливого государства и сильного гражданского общества, поддерживаются всеми слоями нашего общества. Реализация широкомасштабных задач по реализации идеи «Юксалиш» является важным условием устойчивого развития нашей страны и способствует укреплению межнационального и межконфессионального согласия между представителями различных наций и народностей, религий и конфессий, государственными и общественными организациями, партиями, действующими на одной политической площадке. Это важно для укрепления взаимного уважения и согласия.

КИРИШ

Бугунги глобаллашиб бораётган дунёда мураккаб ахборот-психологик вазият юзага келмоқда. Шу маънода халқимиз ҳам мисли кўрилмаган даражада ахборот босими кучайган шароитга дуч келиб турибди. Бу шароитда инсон ўзлигини сақлаб қолишининг имконияти борми, бунга қандай эришиш мумкин деган саволлар ҳар бир кишини ҳам ўйга толдириши табиий. Ахборотлашган жамият бугунги тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади, ҳамда замонавий тараққиётни, у яратиб берабер тараққиётни, у яратиб берабер тараққиётни тасаввур этиш мушқул. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этиши, улардаги қизиқувчанлик, бекарорлик ва бошқа психологик хусусиятлари

масалага ўта жиддий қарашни тақазо этади. Биринчидан, ёшлар кичик ёшдан бошлаб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда катталарга қараганда осон ўзлаштиради. Иккинчидан, уюшмаган ёшлар ўртасида ижтимоий муаммолар, хусусан, ишсизликнинг мавжудлиги уларни виртуал хатарларга осонроқ берилишига сабаб бўлади.

Республикамиз ёшларини ижтимоий турмуш тарзи ва маънавияти ҳолатини социологик таҳлил ва талқинлари ёшларни кундалик ҳаётида вақт бюджетининг салмоғида мусиқа асосий ўринни эгалаётганлигини гувохи бўлдик. Биз бу борада ёшларнинг бадиий китобхонлик одобини ижобий йўлга солиш учун жаҳон ва миллий мумтоз адабиётининг энг яхши намуналаридан ижтимоий тармоқ ва интернет сайтларига матнли, овозли-аудио китоб, саҳналаштирилган овозли-аудио театрларни жойлаштириш, уларни тарғиб қилиш орқали кенг китобхонлар аудиториясини сақлаб қолиш мумкин деган хulosага келдик.

Бу вазифани бажариш ўз навбатида ҳозирги замон тафаккури хисобланган инновацион тафаккурни шакллантириш ва мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради. Фуқаролик жамиятини барпо этишда эскича догматик тафаккур тарзидан воз кечиб янги, яъни инновацион тафаккур тарзини шакллантириш долзарб масалага айланиб бормоқда.

Ёшларни сўнгги йилларда тобора илдиз отиб бораётган терроризим ва диний экстремизмдан ҳимоя қилиш, бундай таҳдидларга куч ишлатиш йўли билан қарши курашиш эмас, балки ёт ғоялар гирдобига тушиб бораётган ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат, маънавият асосида шакилантириш, миллий урф-одатлар, диний бағрикенглик рухида тарбиялаш орқали, яъни жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш каби масалалар баён қилинган. “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги деган эди,- Ш. Мирзиёев,- “Фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиш учун зарур шароитлар яратиш, зўровонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”, — деган эди.

Китобхонлик инсонга сабр-тоқатлилик, чидамлилик, бағрикенглик, каби фазилатларни тарбиялаб болада яқинларига меҳрибон ўғил ва қиз, оққўнгил, дўст, меҳнатсевер фарзанд бўлиш каби феъл-авторида ахлоқий характерни мустаҳкамлайди Танганинг икки томони бор деганлариdek, ахборот хавфсизлиги ҳам бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди[2].

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

И. Л. Кирилова ўзининг "Ижтимоий тармоқлар ёшларнинг ижтимоий ва маданий ривожига таъсири" номли асарида ижтимоий тармоқларнинг ёшлар ҳаётидаги ўрни ва уларнинг ижтимоий ва маданий ривожга қандай таъсир кўрсатишини чуқур таҳлил қиласди. Мақсад, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий медиа платформа усуllibарининг

ёшларнинг ижтимоий муносабатларига, тафаккури ва маданиятига бўлган таъсирини кўрсатишидир. Кирилова ижтимоий тармоқларни ёшлар учун муҳим коммуникация воситаси сифатида кўрсатади. Ушбу платформалар ёшларга ўз фикрларини ифода қилиш, жамиятдаги ўзаро муносабатларга фаол киришиш ва ижтимоий ҳодисаларга оид ўз қарашларини кенг аудиторияга етказиш имкониятини беради. Мазкур жараёнда ёшлар ўз ижтимоий ва маданий кимлигини шакллантиришга ва устида ишлашга ҳаракат киладилар. Ижтимоий тармоқлар ёшларнинг маданий ҳаётига турли йўсинларда таъсир кўрсатади. Улар маданий ва ижтимоий мавзулардаги контентларни тез таратиб, ёшлар орасида маънавий ва интеллектуал алмашувга ҳисса қўшади. Бу нафақат ёшлар орасидаги умумий маълумотни, балки уларнинг маданий даражасини ҳам ўзгартиришга ёрдам беради[3].

А. Т. Шарипов ўзининг "Оммавий ахборот воситалари ва ёшлар: ривожланиш жараёнлари" номли асарида оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва ёшлар ўртасидаги алоқаларни, уларнинг ижтимоий, маданий ва таълимий ривожи учун қандай аҳамиятга эга эканлигини чукур таҳлил қиласди. Ушбу асар оммавий ахборот воситаларининг ёшлар ҳаётига, уларнинг ижтимоий фаоллигига, психологик ва маданий ривожига қандай таъсир кўрсатишини ўрганади. Оммавий ахборот воситаларининг ёшлар ривожидаги ўрнини муҳим эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, телевизор, радио ва интернет платформаларидан фойдаланиш ёшларнинг дунёқарашини, тафаккурини ва ижтимоий муносабатларини шакллантиради. Махсус телевизион дастурлар, реклама, ахборот дастурлари ёшлар орасидаги менталитетни, уларнинг умумий илм-фанга, маданиятга ва жамиятга бўлган муносабатини ўзгартира олади. Шарипов оммавий ахборот воситаларининг ёшларнинг таълимига қандай таъсир кўрсатишини ҳам ёритади. Унинг фикрича, интернет ва оммавий ахборот воситалари ёшларнинг умумий билимларини оширишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, ахборот технологиялари ва интернет платформаларидан фойдаланиш ёшларга глобал билим ва тажрибаларни ўрганиш, уларнинг ижтимоий муносабатларда ўзини тўғри шакллантиришга ёрдам беради[4].

Д. М. Петровнинг "Интернет коммуникациялари ва ёшлар фаоллиги" асари интернетнинг ёшларнинг ижтимоий, маънавий ва сиёсий фаоллигига таъсирини таҳлил қиласди. Асарда интернет ва рақамили технологияларнинг ёшлар ҳаётидаги роли ва уларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида сўз юритилади. Петров интернетнинг ёшлар орасидаги ижтимоий, таълимий ва маданий ривожга қандай таъсир кўрсатишини муҳокама қиласди. **Интернет ва ёшлар фаоллиги:** Петров интернетни ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим восита деб ҳисоблади. Унинг фикрича, интернет ёшлар учун жамиятдаги воқеаларга оид билимларни тез ва осон олиш, ижтимоий ислоҳотларда қатнашиш ва турли ижтимоий ҳаракатларга таъсир кўрсатиш имконини яратади. Интернет коммуникациялари ёшларга ўз

фикрларини ифода этиш, жамиятдаги муаммоларга ўз муносабатларини билдириш ва глобал масалаларга ўз қарашларини билдириш учун платформани тақдим этади. **Ёшларнинг интернетдаги ижтиомий алоқалари:** Асарда интернет коммуникациялари ёшлар ўртасидаги ижтиомий алоқаларнинг шаклланишига таъсир кўрсатишига урғу берилади. Петров интернет платформалари ёшларга жамиятдаги одамлар билан ўзаро алоқа қилиш, янги танишлар орқали ижтиомий кўнилмаларни мустаҳкамлаш имкониятини яратади. Ёшлар интернет орқали дунёқарашини кенгайтириш, янги гурухларга қўшилиш ва ижтиомий алоқаларни ривожлантириш имкониятига эга. **Интернет ва сиёсий фаоллик:** Петров интернетни ёшлар учун сиёсий фаолликка таъсир кўрсатувчи муҳим омил сифатида кўрсатади. Унинг фикрича, интернет ёшлар учун сиёсий тадбирларга, кулисаларга ва ижтиомий ҳаракатларга жалб қилиш учун самарали восита бўлиб хизмат қиласади. Интернет орқали ёшлар сиёсий ва ижтиомий муносабатларда қатнашиш, ўз фикрларини билдириш, ижтиомий хавфсизлик ва адолат масалаларини муҳокама қилиш имкониятига эга бўлишади. Шу билан бирга, интернет ёшларнинг сиёсий ва ижтиомий фаоллигини ошириш ва уларни жамиятдаги қўллаб-кувватлашни кучайтириш учун замин яратади[5].

НАТИЖАЛАР

Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, иймон-эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаб, бой тарихимиз ва улуғ аждодларимиз бой меросидан, уларнинг асарларидан хабардорлик даражасини оширишга эътибор қаратмас эканмиз, биз ўзгалар томонидан динни тарғиб қилиш орқали терроризм, экстремизм, диний адоват, оила институтига беписандлик, қонунчиликка ва кўп асрлик миллий урф-одатларимизга риоя қиласлик каби салбий таъсир кўрсатилишига йўл қўйиб ва ёшларимизнинг порлоқ келажагига путур этказишимиз мумкин[6]".

Шунингдек, ёшлар онг ривожи ва тафаккурда янги тамоиллар ва йўналишлар ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда, уларни такомиллаштириш учун кенг имкониятилар очилмоқда[7].

Шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар сиёсатига алоҳида урғу бериб келинмоқда[8].

Хусусан, ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш, улар илгари сурадиган ташаббусларни қўллаб-кувватлаш механизмини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг тегишли Қарори қабул қилинди[9].

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузурида Ёшлар академияси ташкил этилди. Инновацион мухитни ривожлантириш ва янги ғояларни оммалаштириш борасида соҳага оид замонавий илмий ёндашувларни чукур тадқиқ этиш

ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. “Келажак тадқиқотлари Европа журнали” (“European Journal of Futures Research”), Уч қиррали спирал” (“Triple Helix”) журнали, Таргетинг, ўлчов ва тахлил журнали” (“Journal of Targeting, Measurement and Analysis for Marketing”)да эълон қилинган мақолалар ва шу каби бошқа тадқиқотларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар соҳа доирасида халқаро майдондаги тенденцияларни қузатиш, таҳлил қилиш имконини беради. Инновация инсоният яралгандан бўён мавжуд. “Бизнинг аждодларимиз ҳам жамият ҳаётини ўзгартирган ёки олдинга силжитган, ўзлари яшаган даврга хос ёки базавий инновациялар билан шуғулланган. Масалан, эрамиздан аввалги 1200 йилларда темир қувиш технологиясининг яратилиши инсоният тарихида жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлган”.

Маълумки, сўнгги 50 йил ичида ахборот технологиялари соҳасида улкан инновацион кашфиётлар яратилди. Технологик кашфиётлар ахборотни узатиш ва қайта ишлаш харажатларини кескин пасайтириди. Шу билан бирга, ахборотнинг тезкорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўтарилди. Ушбу тенденция жуда тез суръатларда ривожланди. Бундан ташқари, ушбу соҳадаги ютуқлар глобаллашув жараёнини ривожлантириб, одамларни муайян тармоқлар ичида бирлашишига, яъни тармоқ жамиятлари, тармоқлашган маълумотлар базаларини юзага келтириди.

МУҲОКАМА

Шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда ёшларнинг инновацион салоҳиятини оширишда жамоавий мулоқотлар ташкил этиш ва бунинг учун замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Масаланинг мухим жиҳати шундаки, конференциялар ташкил этиш, муайян жойларни ижарага олиш ёки ихтисослашган ташкилотлар фаолияти орқали ҳамкорларнинг “жисмоний” бирлашишига эришиш ҳамда инновация соҳасида сиёсий лидерларни кўпайтириш инновацион мухитнинг ривожланишига олиб келади.

Одатда, катта ютуқларни башорат қилувчи режалар янги технологиялар ёки бошқа турдаги инновацияларни жорий қилиш бўйича стратегиянинг нотўғри тузилиши кўпинча кутилган натижаларни бермайди ва умидсизликни юзага келтиради. Бундай мазмундаги стратегияларни такомиллаштириш учун Канадада маҳсус инновацион маҳсулот PSI маркетинг коммуникацияси модели асосида Delphi шкаласининг ўлчаш ва сегментлаш асбобларини бирлаштириш орқали қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимининг юмшоқ (Soft) шакли ишлаб чиқилган.

Ушбу комбинацияга асосланган ёндашув олдиндан инноваторларни излаб топиш, муайян ғояларнинг олдинги ва кейинги издошлиарини аниқлаш ёки бирор-бир инновацияни қўллабқувватлаётган шахсларни топишга ёрдам беради. Демак, бундай сегментация

танишув ва коммуникация стратегияларини ривожлантириш имконини ва ўз ўрнида, мувафаққият билан инновациялар учун харидорлар топишга ёрдам беради[10].

Инновацион фанлар доирасида ишлаб чиқилган ғоялар, тасаввурлар, илмий тафаккур тарзлар бошқа табиий-техник ва ижтимоий-гуманитар фанлар назариялари ва ғояларига концептуал ва методологик таъсир кўрсатишмоқда. Бундай ўзгаришлар жиддий фалсафий талқинга мухтоҷ бўлган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу айниқса фан, маънавият ва иқтисодиётга таяниб, янги жамиятни қуриш учун ниҳоятда зарурдир.

Айниқса, миллний истиқлол мағкураси шаклланаётган, миллний ва маънавий қадриятимиз тикланаётган, бунинг натижасида кишиларнинг тафаккур тарзи ўзгараётган бир пайтда ижтимоий-гуманитар фанларда мавжуд бўлган назарий ва услубий таълимотларни, тамойилларни қайта кўриб чиқиш талаби, янги фалсафий тасаввурлар ва ғояларни ишлаб чиқиш муаммосининг долзарблиги яна ҳам ортади. Бундай шароитда мамлакатимизда жаҳон цивилизацияси тизимида ўзига муносиб, салоҳиятли ўринни эгаллаш мақсадида ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, хуқуқий ислоҳотлар фан ва техниканинг жадал равишда ривожланишини таъминламоқда.

Бу жараёнларнинг муҳим омили жамиятимиз фуқароларини интеллектуал салоҳиятини инновацион йўналишга қаратишдан иборатdir.

Янгиликларга интилиш, шунингдек, барча соҳаларда рақобатни қучайтириш даврида инновацияларни ривожлантиришнинг кенг йўлларини очиш жамият тараққиётининг муҳим омилидир. Инсониятнинг бутун тарихий йўлидаги тараққиёти жамиятнинг барча аъзолари, айниқса, ёшларнинг таълим ва ташаббускорлиги билан белгиланади. Келгуси йилларда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси жамиятни инновацион ривожланиш турига, инновацион инсон капиталини шакллантиришга ўтишни назарда тутади. Инсон капиталининг сифатли ва миқдорий хусусиятларига боғлиқ асосий элементи – ёшлар.

Ёшларни яқин келажакда жамият суюниши мумкин бўлган, ижтимоий йўналишларни ишлаб чиқадиган ижтимоий-демографик грух деб қарашимиз мумкин. Замонавий тадқиқотчилар ёш авлодни инновация соҳаси учун муҳим бўлган динамизм (фаолият), тадбиркорлик, ташаббускорлик каби фазилатларга эгалигини таъкидлаб, ёш авлоднинг инновацион салоҳиятини давлат тараққиёти йўлида ривожлантириш ва “жорий этиш” зарурлигини айтиб ўтмоқдалар. Бугунги кунда инновацион ривожланиш йўлига ўтар эканмиз, энг аввало, инвестицияларни жамиятни етакчи кучи сифатида намоён бўлаётган ёшларга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Халқимиз дунёқаршида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу 173 соҳадаги

ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб этмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз. Шунинг учун ушбу фаолиятни замон талаблари даражасида ривожлантириш янги вазирлик, қолаверса, ушбу марказнинг асосий вазифаси бўлиши керак”, деб таъкидлаши ҳам бежиз эмас.

ХУЛОСА

Янги Ренессанс ёшлари жамиятдаги катта ижтимоий, маданий ва сиёсий ўзгаришларга таъсир кўрсатиш учун оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланишда илгор технологиялардан самарали фойдаланишга муваффақ бўлмоқдалар. Ушбу оммавий коммуникация технологиялари ёшларга дунёга ўз фикрларини, қарашларини ва таъсирини билдириш имкониятини беради, шунингдек, уларга глобал муаммоларга ва ижтимоий ҳаракатларга жалб бўлиш, жамиятдаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан танишиш имконини яратади. Янги Ренессанс ёшлари интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ўзларининг ижтимоий алоқаларини, билимларини ва тажрибаларини кенг аудиторияга етказиш имконига эга. Ушбу платформа ёшларга жамиятдаги муаммоларга оид фикрларини билдириш, ижтимоий ва сиёсий фаолликни ошириш, ҳамда ижтимоий ўзгаришларга таъсир ўтказиш имкониятини беради. Оммавий коммуникация воситалари ёшларнинг маданий даражасини оширишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар интернет орқали турли маданиятларни ўрганиш, ўз қарашларини кенгайтириш ва глобал қадриятлар билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Янги Ренессанс ёшлари ахборот хавфсизлиги ва интернет этикасига оид билимлардан фойдаланиш ва уларнинг маънавий ривожига эътибор беришлари керак. Чунки интернет ва ижтимоий тармоқларда тарқалган ёлғон ва манипулятив ахборотларга қарши қурашиш ёшлар учун муҳим аҳамиятга эга. Оммавий коммуникация технологиялари ёшларнинг таълимий даражасини ошириш ва инновацион фикрлашни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Онлайн курслар, видеолар, вебинарлар ва бошқа онлайн платформалар ёшларга билим олиш ва шахсий ривожланишда катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Адабиётлар тўплами:

- [1] Юксак мақсадлар ва янги имкониятлар" номли асари "Олий таълим нашриёти" томонидан 2017 йили чоп этилган.
- [2] Х.Мирзахмедов. Ёшларнинг китобхонликка жалб этишда инновацион ёндашувлар. // Kutibxona.uz, 2019 йил №4 (44). – Б.42-44.
- [3] Кирилова, И. Л. (2020). "Ижтимоий тармоқлар ёшларнинг ижтимоий ва маданий ривожига таъсири". Тошкент: Олий таълим нашриёти.

[4] Шарипов, А. Т. (2019). "Оммавий ахборот воситалари ва ёшлар: *ривожланиши жараёнлари*". Тошкент: Академик нашриёт.

[5] Петров, Д. М. (2018). "Интернет коммуникациялари ва ёшлар фаоллиги". Москва: Логос.

[6] Б.Нишонов. Хушёрлик ва огоҳлик – давр талаби!

<https://buxoro.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=38014>

[7] Назаров Қ. Мустақил тараққиёт ва тафаккур янгиланиши// Фалсафий қадриятларнинг мустақил Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни.(Республика илмий амалий анжуман материаллари, 29 апрель) Т.:2011. 9 б.

[8] Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон. URL: <http://www.lex.uz/docs/3026246>

[9] Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини кўллаб-куvvatлаш тизимини такомилаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.08.2019 й., 07/19/4433/3673-сон. URL: <http://lex.uz/docs/4494504>

[10] Verleye, G. & De Marez, L. J. Diffusion of innovations: Successful adoption needs more effective softDSS driven targeting. Target Meas Anal Mark (2005) 13: 140. <https://doi.org/10.1057/palgrave.jt.5740139.page 50>